

O'ZBEKISTON

ISSN 2181-502X

QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№ 2. 2019

МУЙНАХ

ЯНГИ ТАРИХ БОШЛАНМОҚДА



O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

Аграр-иқтисодий,
илмий-оммабон журнал

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги ва Сув
хўжалиги вазирликлари

ҲАМКОРИМИЗ:

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси Қишлоқ
хўжалиги ва озиқ-овқат
таъминоти илмий-ишлаб
чиқариш маркази

Бош муҳаррир:

Тоҳир ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Жамшид ХҲҲАЕВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Аброр ВАХАБОВ
Баҳодир РҲҲИБОВЕВ
Баҳодир ТОЖИЕВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Абдушукур АБДУЛЛАЕВ
Баҳром НОРҚОБИЛОВ
Низомиддин БАКИРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Ўқтам УМУРЗОҚОВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Алишер МАҚСУДОВ
Мурат САЛИХОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Мирзиёд МИРСАИДОВ
Бахтиёр КАРИМОВ
Ибрагим ЭРҲАШЕВ
Мурод АШУРОВ

2019 йил, №2. Февраль

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар учун – 894
ташкilotлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Т.ДОЛИЕВ. Орол: буюк сафарбарлик.....	1
Р.СИДДИКОВ, С.ФАЙБУЛЛАЕВ, Х.ҚАРШИБОВЕВ, З.ОЧИЛОВ. Фаллакорлар февраль ойида нималарга эътибор бериши керак?.....	3
Р.АБДУЛЛАЕВ, Х.АБДУЛЛАЕВА, Х.ТАДЖИБАЕВ. Боғларда ҳосилдорликни ошириш омиллари.....	5
М.ТОШБОЛТАЕВ, А.ҚОРАХОНОВ. Чигит экиш тадбирини сифатли бажариш.....	7
Р.ҚОЗОҚОВ. Янги йилда янги режалар.....	8
К.ЭРҲАШЕВ. Сон эмас, сифат муҳим.....	9
Қасбини ардоқлаган экскаваторчи.....	10
И.МАТЕКУБОВ. Кўнглим тоғдек кўтарилди.....	11
Ш.ЖАББАРОВА. Рағбат масъулият юклайди.....	12
Юксак ишонч. Ҳалол меҳнат эътирофи.....	13
У.МУХАМАДИЕВ. Имтиёзлардан имконият ортмоқда.....	14
Қ.ОТАЖАНОВ. Янгича ишлаш – давр талаби.....	15
Оби-ҳаёт заргарлари.....	16
К.ЭРҲАШЕВ. Деҳқон мададкорлари.....	17
Х.КАРИМОВ. Мўл ҳосилнинг муҳим омилли.....	18
Сув кадри.....	19
Ф.МИРЗО. Бобоназар фермер.....	20
«Ер малҳами» ерга малҳам.....	21
К.ҲАЙИТБОВЕВ. Мингбулоқнинг барака булоғи.....	22
Барханлар ичра бўстон яратиб.....	23
Урганчилик томорқачилар ибрати.....	24
Тоғ бағридаги тўкинлик.....	25
Раҳимберган отанинг хайрли режаси.....	26
Р.ТОЖАЛИЕВА. Мақсади улуг фермерлар.....	26
Жирмизкўллик балиқчилар.....	27
Асаларичилиқда янгича ёндашув.....	28
М.РАЖАБОВА. Табиатга меҳр – инсонга меҳр.....	29
А.АМАНТУРДИЕВ, М.МИРАХМЕДОВ, Я.БАБАЕВ, Б.НОРОВ. Ғўзанинг районлашган тезпишар С-8286 нави.....	30
Ж.ДАДАЖОНОВ, О.ЭРҲАШЕВ, Б.ГАППАРОВ. “Сарбон” Ғўза нави хусусиятлари ва айрим белгилари кўрсаткичларининг фенотипда намоён бўлиши.....	31
А.ФАЙЗУЛЛАЕВ. Жанубий минтақаларда янги юмшоқ бугдой тизмаларининг агроэкологик нав синови натижалари.....	32
З.БОЛКИЕВ, Ш.ЖҲРАЕВ, Н.БОЙСУНОВ. Сувли майдонлар учун қаттиқ бугдойнинг эртапишар ва ҳосилдор тизмаларини танлаш.....	33
Б.ХАЙИТБОВЕВ. Данакли мевалар учун вегетатив пайвандтаглар ярим ёғочланган қаламчаларининг кўкариши.....	34
М.ЛУКОВ. Қунгабоқарнинг “Машъал” Ғ, дурагайини етиштириш агротехнологияси.....	36
Э.ЗИЯДОВ. Нўхатнинг барг зараркунандасига қарши самарали кураш усули.....	37
М.МИРЗАХОДЖАЕВ, Б.МИРЗАХОДЖАЕВ, Ш.УМАРОВ, Д.СОДИКОВ. Ипак қуртини чойшаб остида боқиш сўйчагининг конструкцияси ва синов натижалари.....	38
Ф.КУЛДАШЕВА. Методы повышения эффективности опыления пчелами масличных культур.....	39
З.МУКИМОВ, Ш.МАЙНИСОВА. Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишда сервис хизматлари соҳаларини ривожлантириш.....	40
М.ХАМИДОВ, А.ЖҲРАЕВ, У.ЖҲРАЕВ. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда фитомелиорант ўсимликларнинг аҳамияти.....	42
А.БОКИЕВ, Н.НУРАЛИЕВА. Қишлоқ хўжалик тракторларини электр юритмага ўтказишда хориж тажрибалари.....	43
О.ТҲРАЕВ, О.МАХМАДИЯРОВ. Асаларичилиқда туб бурилиш ясаган учта ихтиро.....	45
С.ҚУРБОНОВ. Ёшинг улуг бўлса ҳам, таклифсиз тўрға ўтма.....	46
Агро олам.....	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот
ва ахборот агентлигида 2019 йил
10 январда 0158-рақам билан
қайта рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент
Шайхонтоҳур тумани,
А. Навоий кўчаси, 44-уй.
Тел: +998 71-242-13-54,
+998 71-242-13-24.
www.qxjournal.uz
E-mail: qxjournal@agro.uz,
uzqx_journal@mail.ru

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Босмаҳонага топширилди: 2019 йил
2 февраль. Босишга рухсат этилди:
2019 йил 4 февраль. Қозғоз бичими
60x84 1/8. Офсет усулида офсет
қозғозга чоп этилди. Шартли босма
табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0.
Буюртма №4. Нусхаси 1600 донга.

«HILOL MEDIA» МЧЖ матбаа бўлимида
чоп этилди. Корона манзил: Тошкент
шҳри, Учтепа тумани, Шароф ва Тўқмоқчи
кўчалари кеснмави

Навбатчи муҳаррир: **О.НОРБЕКОВ**
Дизайнер: **Н.БОЛТАЕВА**

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТРАКТОРЛАРИНИ ЭЛЕКТР ЮРИТМАГА ЎТКАЗИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ

In ensuring energy efficiency in agriculture, the transfer of mobile technical devices to an electric drive is of particular importance. The article examines and examines the experience of developed countries in transferring existing mobile technical equipment used in agriculture to an electric drive in order to use it in the conditions of the Republic of Uzbekistan. For this purpose, based on the results of the analysis, a method for an integrated approach to addressing the issues of introducing electric tractors in agriculture in the Republic of Uzbekistan has been proposed.

Машина ва технологиялар тизими (МТТ) – бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг механизациялашган технологиялари ва техник воситаларининг ўзаро боғланган рационал жамланмасидир. МТТнинг мазмуни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ҳозирги замон бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалигини барча керакли техник воситалар билан жиҳозлаш мақсадида республикадаги турли идоралар, ташкилотлар ва корхоналарнинг келишилган ва бир йўналишга қаратилган фаолиятини таъминлашга қаратилган.

МТТ – деҳқончилик, чорвачилик, мелиорация, ўрмон хўжалиги ва ҳимояланган ўрмончилик деб номланган тўрт бўлимдан иборат бўлиб, унда деярли бутун қишлоқ хўжалиги қамраб олинган.

Бироқ, ушбу ҳужжатда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, йиғиб олиш, қайта ишлаш, сақлаш ва транспортировка қилиш бўйича кейинги йилларда қишлоқ хўжалигига кириб келаётган электр жиҳозларига старли эътибор қара-

тилмаган. Айниқса, бу борада электр тракторлари алоҳида ўрин тутади. Чунки, тадқиқотларга кўра, дунёдаги зарарли углерод чиқиндиларининг 15 фоизи транспорт тармоғига тўғри келади. Шу сабабли келажакда дизель ва бензинда юрвчи автомобиллар ишлаб чиқаришдан буткул олинishi мумкин.

Дизель моторли тракторнинг эксплуатациясида ишончлилик ва сифат кўрсаткичларига катта таъсир кўрсатадиган дизель мотор, тезликни ростлаш қўтиси, ёнилги

ланади. Айнан шу қисмларда нотўғри эксплуатация ёки бошқа сабаблар оқибатида ишдан чиқишлар содир бўлади (1-расм).

Электр юритмали тракторларда эса бундай компонентлар йўқ ёки жуда содда кўринишда бўлиб, бирлик маҳсулотга сарф бўлаётган энергия сарфи кўрсаткичлари сезиларли даражада кам бўлади (жадвал).

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, энергиясамарадорлик ва ишончлилик бўйича дизель




аппаратураси, совутиш тизими, орқа ва олдинги кўприклар, дифференциал каби қисмлари ҳисоб-

моторли тракторларга нисбатан электр юритмали тракторлар яхшироқ кўрсаткичларга эга. Фақат, бу ерда муаммо катта сизимли аккумуляторларга боғлиқ бўлиб, кейинги йилларда бу борадаги тадқиқотларнинг қатор ижобий натижалари ушбу муаммо ечимини самарали ҳал этиш имкониятларини яратмоқда.

Шу маънода, жаҳоннинг қатор қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқарувчи компаниялари ҳам тракторларни электр юритмага ўтказиш бўйича ўз тадқиқотларини бошлаб юборишган. Қуйида биз электр тракторлар яратилишининг тарихи ва ҳозирги замонда ривожланган мамлакатларнинг бу борада эришган натижалари билан танишамиз. 2-расмда электр тракторининг асосий қисмлари келтирилган бўлиб, унинг нақадар содда

1-расм. Дизель моторли тракторнинг эксплуатациясида ишончлилик ва сифат кўрсаткичларига катта таъсир кўрсатадиган қисмлар.





2-расм. Электр тракторнинг асосий қисмлари

конструкцияга эга эканлиги кўри-
ниб турибди.

Европа стандартидаги IEC 62196
Type 2 коннектордан фойдаланиб,
аккумулятор батареясини 40
дақиқа давомида 80 фоизгача заряд-
лаш мумкин. Бундан ташқари, уч
фазали 400В ли тизимдан ҳам заряд-
ланиш имконияти мавжуд. Ушбу
электр тракторни 2019 йилдан се-
рияли ишлаб чиқариш режалашти-
рилган.

Кайзерслаутерн Техника уни-
верситети ва John Deere мутахас-
сислар командаси ўзининг тўла
электр юритмали 6R сериядаги John
Deere тракторини тақдим этишди.

Ушбу трактор 130 кВт. ли литий-
ион аккумуляторлари 670 В кучла-
ниш беради ва ҳар бири 150 кВт
қувватли иккита электр двигател-
ни энергия билан таъминлайди.
Аккумулятор батареяларининг зар-
ядланиш вақти 3 соат. Ушбу жам-
ланган энергия трактор енгил ре-
жимда ишлаганда 4 соатгача, дала
қатор оралигида ишлаганда 1 соат-
га етади. Батареяларнинг яроқдлик
муддати 2100 заряд-разряд цикли-
га тенг.

Белоруссия Миллий Фанлар
Академияси Қишлоқ хўжалигини
механизациялаш бўйича илмий-
амалий Маркази Бош директори
Сергей Яковичнинг маълумотлари-
га кўра, яқин йилларда
Белоруссиянинг ўз электротрактори
яратилади.

Ҳозирда тегишли синовлардан
ўтаётган MOBEL Belarus-920
электр трактори улардан бири бўли-
ши мумкин.

Ушбу электр тракторида 60 кВт
қувватли 2200 айл/мин. ли, ишчи
кучлини 300 В бўлган Италия

электр двигатели ўрна-
тилган. Thunder Sky
Batteries русумли, 56 кВт.
соат ҳажмга эга литий-
ион аккумулятор бата-
реялари ушбу двигател-
ни электр энергияси би-
лан 3–4 соат давомида
таъминлай олади.

Беларус республика-
си олимларининг изла-
ниш-тадқиқотлари кела-
жакда механизаторсиз,
масофадан дастурий
бошқариладиган-робот-
лаштирилган техника-
лар яратишга қаратилган.

Бу борада асосий эъти-
бор қишлоқ хўжалик техникалари-
ни трансформер – яъни қисқа
вақтда турли шаклларга ўзгариб,
кўпроқ турдаги агротехник тадбир-
ларни бажара олишига қаратилади.

2017 йилда дунёда тарихда илк
марта 1 млн. дан ортиқ электромо-
биль ёки гибрид машиналар сотил-
ган. Уларнинг умумий сони эса 3,1
млн. дан ортган. Албатта, органик
ёнилғида ишлайдиган двигателларга
нисбатан бу жуда кичик кўрсаткич,
лекин уларнинг сотилишидаги йил-
лик ўсish жула шиддат билан ўсиб
бормоқда. Масалан, 2017 йилда бу
кўрсаткич 56 фоизни ташкил қилган.

Экспертларнинг башоратларига
кўра, 2030 йилга бориб дунёда
электромобил ёки гибрид машина-
ларнинг умумий сони камиди 125
млн, агар шароитлар ва имкони-
ятлар яратилса 228 млн донагача
етиши мумкин. Булардан 130 млн
донаси электромобиллар, 90 млн.
донаси эса гибрид машиналар хис-

сасига тўғри келади. Европа ва Хи-
тойда экологик тоза автолар улу-
ши 20–25 фоизни ташкил этиши
кутилмоқда. Мотоцикл ва скутерлар
бўйича эса электр юритмага ўтиш
30 фоиздан юқорини ташкил эта-
ди.

Электромобиллар сони ортиб
бориши баробарида уларнинг эк-
сплуатацияси билан боғлиқ инфра-
структура ҳам шиддат билан ривож-
ланиб бормоқда. 2030 йилга бориб,
заряд нуқталари сони электромо-
биллар сонидан 10% ортиқ бўли-
ши кутилмоқда. Мисол учун, ҳозир
бир заряд станциясига (хонадон-
лардагиларини ҳисобга олмаганда)
Норвегияда – 19, Швецияда – 12,
Японияда эса – 7 та электромобиль
тўғри келади.

Юқоридагилардан хулоса қил-
сак, қишлоқ хўжалик тракторлари-
ни электр юритмага ўтказиш билан
бир пайтда, уларни дала шароити-
да зарядлаш қурилмаларининг яра-
тилиши ҳам долзарб масала ҳисоб-
ланади. Бу борада қайта тикланув-
чи энергия манбалари асосида иш-
лайдиган “Қуёш-шамол” мобил
электр станцияларини яратиш
бўйича тадқиқотларнинг ҳозирнинг
ўзида жадал олиб борилиши, улар-
ни республикада кенг миқёсда жор-
ий этиш бўйича истиқболли режа-
лар тузилиб, илм-фан, ишлаб чи-
қариш ҳамкорлигини фаол таъмин-
лаган ҳолда ушбу режаларнинг
амалга оширилиши мақсадга муво-
фиқ,

А. БОҚИЕВ,
т.ф.и.,

Н. НУРАЛИЕВА,
докторант, (ТИҚХММИ).

АДАБИЁТЛАР

1. Система машин и технологий для комплексной механизации сельскохозяйственного производства на 2011-2016 гг. часть I, Растениеводство // - Ташкент: "YUSUF YANGI NASHR", 2013. - 199 с.
2. Система машин и технологий для комплексной механизации сельскохозяйственного производства на 2011-2016 гг. Часть II, Животноводство // - Ташкент: "ODIL PAPER", 2015. - 127 с.
3. Система машин и технологий для комплексной механизации сельскохозяйственного производства на 2011-2016 гг. Часть III, Мелиорация // - Ташкент: "ODIL PAPER", 2015. - 106 с.
4. Система машин и технологий для комплексной механизации сельскохозяйственного производства на 2011-2016 гг. Часть IV, Лесное хозяйство и защитное лесоразведение // - Ташкент: "ODIL PAPER", 2015. - 107 с.
5. Задание на разработку системы машин для комплексной механизации сельскохозяйственного производства // МСВХ РУз, Ташкент, 2012. - 9 с.
6. Методические указания по разработке системы машин для комплексной механизации сельскохозяйственного производства // Ташкент, УЗМЭИ, 2012. - 31 с.
7. Порядок разработки и утверждения системы машин для комплексной механизации сельскохозяйственного производства // МСВХ РУз, Ташкент, 2012. - 12 с.